

## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 224-ҳадис

\* وروينا في "صحيح البخاري" عن أبي هريرة رضي الله عنه، قال: "وكلني رسول الله صلى الله عليه وسلم بحفظ زكاة رمضان، فأتاني آتٌ، فجعل يحثو من الطعام..." ، وذكر الحديث ، وقال في آخره : "إذا أويت إلى فراشك فاقرأ آية الكرسي، فإنه لن يزال معك من الله تعالى حافظ، ولا يقربك شيطان حتى تصبح، فقال النبي صلى الله عليه وسلم: صدقك وهو كذوب، ذاك شيطان". أخرجه البخاري في "صحيحه".

224/8. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Рамазон закотини қўриқлашга вакил қилдилар. Бирор келиб, егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Мен уни тутиб олдим-да, «Аллоҳга қасамки, сени албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқаман», дедим. У: «Мен ҳожатмандман, бола-чақам бор. Қаттиқ муҳтоҗлигим бор», деди. Мен уни қўйиб юбордим. Тонг отди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Абу Ҳурайра, бу кечаке асириинг нима қилди?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, қаттиқ муҳтоҗлиги ва бола-чақаси борлигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим», дедим. У зот: **«Билиб қўй, у сени алдабди. Ҳали яна келади»**, дедилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ҳали яна келади»** деган сўзларидан унинг қайтиб келишини билиб, уни пойладим. Келиб, егуликдан ҳовучлаб ола бошлаган эди, уни тутиб олдим. «Сени албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқаман», дедим. У: «Мени қўйиб юбор, чунки мен муҳтоҷман, бола-чақам бор. Энди қайтиб келмайман», деди. Унга раҳмим келиб, қўйиб юбордим.

Тонг отди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Абу Ҳурайра, асириинг нима қилди?»** дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, қаттиқ муҳтоҗлиги ва бола-чақаси борлигидан шикоят қилган эди, яна раҳмим келиб, қўйиб юбордим», дедим. У зот: **«Билиб қўй, у сени алдабди. Ҳали яна келади»**, дедилар. Уни учинчи марта пойладим. Келиб, егуликдан ҳовучлаб ола бошлаган эди, уни тутиб олдим. «Сени албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқаман. Бу охиргиси. Сен қайтиб келмайман деб, учинчи марта қайтиб келяпсан», дедим. У: «Мени қўйиб юбор, Аллоҳ сенга манфаат берадиган калималарни ўргатаман», деди.

«Нима у?» дедим. У: «Қачон тўшагингга кирсанг, Оятул-Курсийни - «**Аллоҳу лаа илаҳа илла ҳувал-Ҳайюл-Қойюм**»ни оятни тугатгунингча ўқи. Шунда тонг оттиргунингча Аллоҳ томонидан устингда бир қўриқчи бўлади ва шайтон сенга ҳаргиз яқинлаша олмайди», деди. Уни қўйиб юбордим.

Тонг отди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «**Бу кеча асиринг нима қилди?**» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ менга манфаат берадиган калималарни ўргатишини айтган эди, қўйиб юбордим», дедим. У зот: «**Улар нима экан?**» дедилар. «У менга: «Қачон тўшагингга кирсанг, Оятул-Курсийни - «**Аллоҳу лаа илаҳа илла ҳувал-Ҳайюл-Қойюм**»ни бошидан бошлаб, тугатгунингча ўқи», деди ва менга: «Тонг оттиргунингча Аллоҳ томонидан устингда бир қўриқчи бўлади ва шайтон сенга яқинлаша олмайди», деб айтди», дедим. - Улар (саҳобалар) яхшиликка энг ўч кишилар эди - Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Билиб қўй, ўзи ғирт ёлғончи бўлса ҳам, сенга рост айтибди. Уч кечадан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми, эй Абу Ҳурайра?**» дедилар. «Йўқ», дедим. У зот: «**У шайтон эди**», дедилар».

Ином Бухорий ривоятлари.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

